

Ақийда дарслари (42-дарс). Абу Ҳанифа ва ақийда илми



19:20 / 15.07.2019 5503

Юқорида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг илмий фаолиятларини илми каломдан бошлаганлари ва кейин фикҳга ўтганлари ҳақида сўз юритган эдик. У кишининг фаолиятларини зеҳн солиб ўрганадиган бўлсак, кейин ҳам ақийдага оид масалалар Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг эътиборларидан четда қолмаганини мулоҳаза қиламиз.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг ақийда илмига оид илмий меросларини ўрганишимиз икки турли йўл билан бўлади.

Биринчиси: у кишининг бу илмга оид гапларини келтирган турли ривоятлар.

Иккинчиси: Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳига нисбат бериладиган илми ақоидга оид китоблар.

Илмий доираларда, жумладан, Ибн Надимнинг машҳур «Ал-Феҳрист»ида ақийдага оид тўртта китоб Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳига нисбат берилади:

1. «Ал-Фиқҳул Акбар».
2. «Ал-Олим вал Мутааллим».
3. «Рисолатун ила Усмон ибн Муслим ал-Буттий».
4. «Китобур-радди ала Қадария».

Ушбу тўрт китоб ичида қадимдан кўпчиликнинг эътиборига сабаб бўлгани ва бизгача етиб келгани «Ал-Фиқҳул Акбар»дир. Бу китоб кичик рисоладан иборат бўлиб, бир неча варақни эгаллайди, холос.

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан